

**UZA**

O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎзА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ  
(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**2021 ЙИЛ НОЯБРЬ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

# **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

## **Илмий нашр**

**2021 йил ноябрь ойи сони**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартағи 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилемайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

## **Тахрир кенгаши**

А.Кўчимов  
Қ.Ш.Омонов  
А.С.Сагдуллаев  
С.С.Ғуломов  
Ф.Г.Назиров  
Р.Д.Курбанов  
М.Ҳ.Рустамбоев  
Ш.Т.Қудратхўжа  
Н.А.Хусанов

Б.А.Назаров  
А.Асқаров  
Д.Ю.Юсупова  
А.Х.Саидов  
Т.Ў.Арипова  
Қ.Р.Аллаев  
С.М.Туробжонов  
И.С.Саифназаров  
Н.Х.Обломуродов  
Г.А.Мардонова

**Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71**

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ХУСРАВ ПАРВЕЗ ОБРАЗИНИ ТАСВИРЛАШДАГИ БАДИЙ МАҲОРАТИ

Акрамжон ДЕҲҚОНОВ

филология фанлари номзоди  
Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва  
адабиёти университети  
Тошкент, Ўзбекистон

### Аннотация

Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хусрав Парвез образи, бу образнинг ҳозиргача аксар тадқиқотчилар назарига тушмаган жиҳатлари ҳақида сўз юритилади. Хусрав образининг зиддиятларга бой, шу билан бирга драматизм билан тўла ички дунёсини очишда Навоий бадиий маҳоратининг қай даражада намоён бўлганлигини ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

**Таянч сўзлар:** Хусрав Парвез, салбий образ, зиддиятлар, “Хамса”, маънавий олам, Арман юрти, Ширин, Фарҳод, меросхўр, хукмдор, Эрон шоҳи, ўлим, никоҳ.

## ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО АЛИШЕРА НАВОИ ПРИ ИЗОБРАЖЕНИИ ОБРАЗА ХУСРАВА ПАРВЕЗА

Акрамжон ДЕҲҚОНОВ

кандидат филологических наук  
Университет  
узбекского языка и литературы имени  
Алишера Навои  
Ташкент, Узбекистан

### Аннотация

В настоящей статье речь идет об образе Хусрава Парвеза в дастане Алишера Навои “Фарҳад и Ширин”, о тех аспектах этого образа, которые до настоящего времени оставались вне поля зрения исследователей. Раскрывается проявление художественного мастерства Алишера Навои в изображении полного противоречий, а также драматизма внутреннего мира Хусрава.

**Ключевые слова:** Хусрав Парвез, отрицательный образ, “Хамса”, духовный мир, Армения, Ширин, Фарҳад, наследник, правитель, шах Ирана, смерть, брак.

Алишер Навоийнинг “Хамса” асарида жамиятнинг турли табакаларига мансуб бўлган жуда мураккаб образлар тизими мавжуд. Бу

образларнинг ҳар бири муаллифнинг ғояси, мақсадини очиб беришда ўзига хос ўринга эга. “Хамса”даги образларнинг хатти-харакатлари, қабул қилган қарорлари муаллиф томонидан шу даражада мантиқан асосланадики, ўқувчида бундан бошқача бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикрга ҳеч қандай ўрин қолмайди. Образларнинг гап-сўзлари, қабул қилган қарорлари уларнинг жамиятда эгаллаб турган мавқеидан, униб-ўсган муҳитидан, Яратувчи томонидан берилган табиий фитратидан келиб чиқсан ҳолда воқе бўлади. Ўзларининг феълларини, амалларини асослаш учун бу образлардан ҳар бирининг ўзига яраша далили – асоси бор.

Адабиётшунос Ё.Исҳоқов Алишер Навоий ғазалиёти ҳақида сўз юритар экан шундай дейди: “...Навоий ғазалиётида мантиқан асосланмаган бирор фикр, бадиий тасвир унсури ёхуд сабабий заминдан маҳрум бирор воқеа, ҳолат, психологик тасвирни топиш мумкин эмас...” [1; 16].

Адабиётшунос олимнинг Навоий ғазалиёти ҳақида айтган бу фикрини адабнинг эпик асарларига, хусусан, “Хамса” достонларига ҳам тўлигича татбиқ этиш мумкин. “Хамса” достонларида ҳам мантиқан асосланмаган бирор фикр ёки сабаби асосланмаган бирор воқеа, ҳолат, руҳий-психологик тасвирни топиб бўлмайди.

“Хамса” достонлари ичida салбий ва ижобий қаҳрамонлар ўртасидаги зиддиятларнинг очиқ ва кескин тарзда намоён бўлиши қўпроқ “Фарҳод ва Ширин”да кузатилади. Бинобарин, мана шу зиддиятлар фонида ҳар икки қутбдаги образларнинг маънавий қиёфалари яққолроқ очила боради. Биз бу ўринда “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хусрав Парvez образига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Хусрав Парvez образи “Фарҳод ва Ширин” достонининг 36-бобидан бошлаб воқеалар жараёнига кириб келади. Хусрав Парvez – Эрон тахтининг ҳукмдори, Арабу Ажамнинг ҳокими мутлақи. Эрон тахти унга етмиш отадан мерос бўлиб келган. Вақти соати келиб ўзига ажал етса, Хусрав ҳам меросхўрига тахтни қолдириб кетади. Унинг меросхўри бор. Лекин Хусрав оталик ва шоҳлик туйғуси, сезгиси билан бу меросхўрда подшоҳона ҳиммат

ҳамда улуғлик йўқлигини сезади. Шунинг учун ҳақиқий подшоҳга хос фазилатларга эга ўғил кўришни хоҳлайди. Бундай фазилатларга эга ўғил бўлиши учун шунга лойиқ она ҳам бўлиши лозим. Шу андишадан келиб чиқиб Хусрав Парвез ўз никоҳига киритиш учун муносиб малика – келин излайди.

Унинг хабарчилари мамлакатма-мамлакат кезади. Ва ниҳоят Арман мамлакатида Ширин исмли хулқ-одобда ҳам, хусн-жамолда ҳам, насл-насабда ҳам мукаммал бир малика борлигини аниқлашади. Хусрав Парвез шу маликани сўратиб совчи жўнатади. Мана шу жойдан бошлаб Хусравнинг Фарҳод билан, Меҳинбону ва Ширин билан зиддияти – тўқнашуви бошланади. Шу зиддиятлар фонида унинг маънавий қиёфаси очилиб боради. У ер юзининг энг кучли ҳукмдори бўлгани учун ўз сўзининг ерда қолишини тасаввур ҳам қила олмайди. Арманга жўнатилган элчилар Меҳинбонунинг жуда усталик билан айтган рад жавобини олиб келадилар. Хусрав дарғазаб бўлиб, яна кетма-кет элчилар жўнатади. Барча элчилар рад жавобини олиб келгач, Хусрав ғазаб отига миниб, арман юргита қўшин тортади.

Хусрав Парвез – қудратли подшоҳ. Ҳар бир ишини ўйлаб, мулоҳаза қилиб, доно маслаҳатчиси Бузург Уммид билан фикрлашиб амалга оширади. Лекин унинг бир камчилиги шуки, ўзининг раъйига кимдир қарши чиқиши мумкинлигини тасаввурига ҳам сиғдиролмайди.

Хуллас, Хусрав Парвез таҳаввур (ҳаддан ортиқ ғазабланиш) отига миниб Арманистонга бостириб боради. Меҳинбону пойтахт дарвозаларини беркитиб, шаҳарни қамалга ҳозирлайди. Меҳинбону билан Ширин эса Фарҳодга одам жўнатиб, ундан ҳам шаҳар қалъасига киришни илтимос қиласидилар. Фарҳод уларнинг гапини ерда қўймай, шаҳарга боради, лекин ичкари кирмай, қалъа ташқарисидаги бир тоғнинг устини маскан қиласиди.

Хусрав ўз қўшини билан Арманистон пойтахтини ўраб олади. Унинг қароргоҳи шаҳар қалъасидан ярим мил узоқликда жойлашади. Хусрав вазиятни ўрганиш учун минг нафар паҳлавон қўриқчи куршовида қалъа

атрофини айланади. Шу пайт узокдан тоғ устида ётган Фарҳодга кўзи тушади:

*Назар Фарҳодқа чун солди Парвез,  
Дегил кўксига тегди дашинаи тез [3; 300].*

(Фарҳодга кўзи тушган Парвезнинг кўксига дашинаи тез – ўткир тифли ханжар теккандек бўлди).

Фарҳодни узокдан кўрган Хусравнинг ичига номаълум бир кўркув тушади. Ҳали унинг ким эканлигини билмасдан, ўрганмасдан туриб, Фарҳоддаги ботиний ҳайбатни кўнгли сезади ва ёнидагиларга шундай деб айтади:

*Деди ул: булајсабваши одамизод  
Ки, кўргач они кўнглум бўлди ношод.  
Тафаҳҳус айлангизким, не кишиидур  
Ки, хотирни ҳазин қилмоқ ишиидир [3;300].*

(Хусрав деди: Бу қандай одам эканки, уни кўрганда кўнглим қайғуга тушди. Яхшилаб текшириб кўринглар-чи, кўнгилни маҳзун қиласиган бу киши ким экан?)

Подшоҳлик ғурури унинг кўзини ва қалбини нарсаларнинг асл моҳиятини кўришдан тўсиб қўйгани рост. Лекин у ҳукмдорга хос бўлган жуда кўп ижобий хислатларга эга. Масалан, бир қўришдаёқ Фарҳоддаги ботиний ҳайбатни аниқ сезиш учун ҳам анчагина зийрак одам бўлиш керак.

Фарҳод ва Ширин билан боғлиқ воқеалар жараёнида Хусрав ўзининг ноҳақлигини англайди, ҳис қиласиди. Мана шундай ўринлардан бири Фарҳодни ҳийла билан бехуш қилиб, занжирбанд ҳолда Хусравнинг ҳузурига олиб келингандаги ҳолат. Фарҳодни бехуш ҳолда Хусрав ҳузурига келтиришгач, табиб унинг димоғига дори хидлатиб, ҳушига келтиради. Фарҳод ҳушига келгач, дастлаб қаерда эканлигини тушунмайди. Кейин атрофга назар солиб, Хусрав ҳузурида йигилган мажлис аҳлига одоб билан салом беради ва кўзини ерга тикиб жим ўтиради. Чунки унинг сўрамасларидан олдин сўз сўзлаш

одати йўқ эди. Фарҳоддаги ботиний шукух – ҳайбатдан Хусравнинг ахволи ўзгаради:

*Адаб бирла ҳаё расмин қилиб фоши,  
Бурун индуруди мажслис аҳлига боши.  
Чу даъби йўқ эди сўрмай демак сўз,  
Оғиз сўздин тикиб, тикти қуи кўз.  
Шукуҳидин етиб Хусравга тағиёр,  
Қилиб ишиқи ўти кўнглига таъсир... [3;323].*

Шундан сўнг Хусрав билан Фарҳоднинг мулоқоти – савол-жавоби бошланади. Бу савол-жавобни достондаги энг драматик ўринлардан бири деб айтиш мумкин. Хусравнинг шиддатли саволлариға Фарҳод найзадек ўткир жавоблар беради. Хусрав охири Фарҳоднинг жавоблари олдида ожиз қолади ва унга шундай айб қўяди: “Подшонинг саволлариға тап тортмасдан, дадил жавоб беряпти. Султонлар хузурида оддий одамнинг бундай тортинмай жавоб бериши жуда катта беодобликдир. Бундай беодоблик ўлим билан жазоланиши лозим!”

Хусравнинг бу айбномаси бир қарашда мантиқлидек туюлади. Бинобарин, султоннинг олдида шу даражада дадил сўзлаш учун сўзловчининг даражаси камида султон билан баробар бўлиши керак!

Лекин Хусравнинг хузурида йиғилганлар ва Хусравнинг ўзи билмаса-да, Фарҳоднинг насл-насаби ва жамиятдаги мавқеи униқидан (Хусравдан – А.Д.) кам эмасди. Фарҳод Чин мамлакати подшосининг ягона ўғли – валиахди эди. Хусрав хузуридаги ҳашамат, дабдаба, подшоҳона такаллуфлар Фарҳод учун таниш ҳолатлар, одатий бир манзара бўлгани сабаб унинг ҳузурига банди ҳолатда келтирилганда умуман ҳайратланмайди, у ердаги ҳайбат Фарҳодга таъсир қилмайди. Хусравни мувозанатдан чиқарган, ғазабга келтирган омиллардан бири ҳам айнан шу эди.

Одатда инсоний табиат баъзида шундайки, бошқа бирорда ўзида йўқ фазилатни кўрса, ўша одамни ёмон кўришни бошлайди. Хусравда ҳам шундай ҳолат юз беради. Мулоқотлар, савол-жавоблар ва воқеалар

жараёнида Фарҳоднинг маънавий-ахлоқий, руҳий даражаси Хусравдан анча юқори экани кўринади. Фарҳоднинг ботинидаги маънавий ҳаёт Хусравда йўқ эди. Хусрав буни тобора яхшироқ англай боради. Англай боргани сари бетоқатлиги ошади. Ҳатто Фарҳодни ўлимга буюрганда Хусравнинг аъёнлари барчаси афсус чекади. Бу ҳукмдан Хусравнинг ўзи ҳам пушаймон бўлади:

*Ебон Хусрав дөғи ул ишдин афсус,  
Вале қўймай анинг таркига номус... [3;333].*

Шунда Хусравнинг доно вазири Бузург Уммид орага тушади ва Фарҳодни ўлдиришга шошмасликни маслаҳат беради:

*Ки, ўлтурмаклик они бежиҳатдур,  
Жунунга банду зиндан маслаҳатдур [3;333]*

(Уни (Фарҳодни) ўлдириш учун сабаблар етарли эмасга ўхшайди. Мажнун учун кишанлаб, зинданга солиш энг фойдали ишдир).

Бузург Уммиднинг маслаҳатига биноан Фарҳодни ўлдирмай, зинданга солишади ва зинданда ётганда унга қўриқчилар қўйилади. Агар Фарҳод зиндандан қочиб кетса, Хусрав қўриқчиларнинг барчасини қатл этишини айтиб, таҳдид қиласди.

Хусрав руҳиятини очища, ичида кечеётган зиддиятларни англашда, умуман, унинг инсон сифатидаги қиёфасини таниб олишда достоннинг 47-боби воқеалари асосий ўрин тутади. Бу бобнинг қисқача мазмуни шуки, Фарҳоднинг Хусрав қўлида банди бўлиб ётганидан хабардор бўлган Шопур Ширинга бу ҳақда хабар беради. Ширин Фарҳодга мактуб ёзиб, Шопурга беради. Шопур бу мактубни Фарҳодга етказади. Хуллас, Фарҳод билан Ширин ўртасида хат орқали мулоқот тикланади. Хусрав бундан хабар топиб, Фарҳоднинг олдига келадиган йўлларга махфий равишда пойлоқчилар қўяди. Бу пойлоқчилар Шириннинг мактубини Фарҳодга олиб келаётган Шопурни кўлга туширишади ва хат билан бирга Хусравнинг хузурига олиб боришади. Хусрав мактубни олиб, Шопурни зинданга солишни буюради. Сўнг мактубни очиб ўқиади. Ҳатни ўқиши жараёнида Шириннинг Фарҳодга

садоқати, бу иккиси ўртасидаги муҳаббатнинг жуда кучли, самимий ва покиза эканини англай боради. Англаб боргани сари бошидан ўт чиқади. Хатнинг ичиди Хусравнинг ҳам номи бир неча марта зикр қилинган бўлиб, ўз мактубида Ширин уни гоҳ золим, гоҳ хунрез деб атаган, унинг ишқи ҳақида ҳам кўп таънали гаплар айтган эди. Хусрав Шириннинг бу мактубини ўқиган сари:

*Балоу дард ўти жонига тушиби,  
Тазалзул жисми вайронига тушиби.  
  
Агар инсоф ила айлаб тааммул  
Билибким, ҳар неким ёзмишдур ул гул.  
  
Савоб иши мутлақ онинг жонибиодур  
Бори ишида ҳақ онинг жонибиодур... [3;392].*

(Шириннинг хатини ўқигач, Хусравнинг жонига ўт тушди, вайрон бўлган жисмига зилзила тушди. Агар инсоф билан Шириннинг ёзганини ўйлаб кўрса, ҳақиқат унинг тарафида экани маълум бўлар эди).

Лекин салтанат – подшолик номуси, ҳавойи нафснинг хоҳиши бу ҳақиқатни тан олишга ва инсоф билан қарор қабул қилишга унга йўл бермайди. Бетоқат бўлган Хусрав вазири Бузург Уммидни чақириб, бу вазиятдан чиқиш учун бирор маслаҳат беришини сўрайди. Икковлари маслаҳатлашиб, Фарҳоднинг олдига бир ҳийлагар кампирни жўнатишга қарор қилишади. Бу кампир Фарҳоднинг олдига бориб, Хусрав Арман шахрини олгани, Мехинбонунинг у билан сулҳ тузиб, Ширинни унга никоҳлагани ҳақидаги ёлғон хабарни етказиши лозим эди. Улар Фарҳод бу хабарни эшитиб, ноумид бўлиб ўз юртига қайтиб кетади, деб режа қилишади.

Лекин дунёнинг ишлари ҳеч қачон инсонларнинг орзу-умидларига, истакларига мос ҳолда кетмайди. Маккор кампир Хусрав ва Бузург Уммид кўрсатма берганидан ҳам ошириб Фарҳодга ҳийла қиласди. Яъни Хусрав Арман шахрини олиб, Мехинбону билан сулҳ тузди ва Ширинни унга никоҳ қилмоқчи бўлдилар. Лекин Ширин бу хабарни эшитиб ўз жонига қасд қилди, деб Фарҳодга ёлғон хабарни етказади.

Бундай руҳий зарбага Фарҳод тоқат қила олмай жон таслим қилади. Достонда Фарҳоднинг видолашув онлари ўта таъсирли ва ғоят юксак бадиий маҳорат билан тасвирланган. Фарҳоднинг ўз ўлимини ҳис қилиб, видо пайтида айтган сўзлари достоннинг драматизм энг кучли намоён бўлган ўринларидан биридир.

Фарҳоднинг ўлими ҳақидаги хабарни Хусрав Парвез қандай қабул килди?

Мана шу ўринда, яъни Фарҳоднинг ўлими ҳақидаги хабар Хусравга қандай таъсир қилганини тасвирлашда ҳам Навоийнинг ўта мантиқли ва ҳассослик билан ёндашгани қўринади. Хусрав бу хабардан севинмайди. Аксинча, қалбига қўрқинч тушади:

*...Неча кун қайғудин кулгуси келмай,  
Неча тун ваҳмидин уйқуси келмай,  
Агарчи бу умид айлаб ани шод  
Ки, Шириндур аниңг, чун борди Фарҳод.  
Вале бу ваҳмдин ҳар лаҳза гамгин  
Ки, нетгай кинига чарх айласа кин?.. [3;424].*

(Фарҳоднинг ўлими ҳақидаги хабарни эшишиб) Хусравга бир неча кун қайғудан кулгу келмади. Қўрқинчдан кўзига уйқу ҳам келмади. Агарчи Фарҳоднинг ўлгани, Шириннинг ўзига қолгани ҳақидаги умид уни озгина шодлантирган бўлса ҳам, лекин қилган буadolatciz иши учун тақдир уни жазоласа нима бўлишини ўйлаб дилига қўрқув тушди).

Бу иши, яъни Фарҳоднинг ўлимига сабабчи бўлгани учун тақдирнинг қиличи боши узра сермалишини Хусрав ич-ичидан ҳис қилади ва мана шундан қалбига зўр қўрқинч киради.

Бундай бўлишини, яъни Шириннинг ўлими хабарини эшишиб, Фарҳоднинг ҳам жон таслим қилишини Хусрав мутлақо кутмаган эди. Кутмаганлигини хабар келиши билан айтган гапи ҳам тасдиқлайди:

*Деди: “Бу иши керакмас эрди мундоқ,  
Чу бўлди, бўлмас ишда суст бўлмоқ [3;424].*

(Хусрав деди: Иш бундай бўлиши (яъни Фарҳод ўлиши) керакмас эди. Модомики шундай бўлибди, энди сустлашмасдан ҳаракат қилиш лозим).

“Фарҳод ва Ширин” достонидаги Хусрав образи ниҳоятда зиддиятли, фожеали ва мураккаб образ. Достоннинг асосий қаҳрамони бўлган Фарҳод инсонийликнинг, олийжанобликнинг тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган юксаклигида туради. Унга яқинлашган сайин Хусрав ўзининг жуда чуқур тубанлиқда эканини англай боради. Хусравнинг ичида кечган зиддиятларни Навоий жуда зўр маҳорат билан очиб берган.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида Хусрав образини яратишда унинг хатти-ҳаракатларини мантиқан жуда ўринли асослайди. Унинг ичида инсоний бир туйғу ҳамиша бош кўтариб турганини, лекин салтанат ғурури бу туйғуни босиб кетганини воқеалар тасвири жараёнида кўрсатиб берган. Алишер Навоий бу образни бутун ўзига хосликлари – афзалликлари, камчиликлари, қабул қилган қарорларини ўзича мантиқий асослаганлиги, барча-барчасини ниҳоятда табиий ва жонли тасвирлайди. Бу образни фақат қора рангга бўяб кўрсатмайди, унинг фожиасини, ўз таназзули сари қадам-бақадам юриб келганлигини ўқувчига кўрсатиб беради. Гарчи Хусрав образи “Фарҳод ва Ширин” достонида воқеалар жараёнига 36-бобдан бошлаб кириб келса ҳам, лекин достон воқеаларининг кескинлашувида, асарда драматизмнинг кучайишида, Фарҳод ҳарактеридаги, қалбидаги гўзалликнинг янада очикроқ намоён бўлишида бу образнинг аҳамияти жуда катта бўлган.

Достондаги Хусрав образи гарчи салбий образ сифатида намоён бўлган бўлса ҳам, лекин асарни синчиклаб ўрганилса унинг ҳарактеридаги ўзига хос бўлган янги-янги қирралари очилиб келади. Унинг инсоний сифатларга, ҳукмдорга хос бўлган айрим ижобий хусусиятларга ҳам эга бўлгани кўринади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари: мақолалар тўплами.  
Тошкент: Фан, 1993. – 208 б.
2. Аҳмедов Т. “Хамса” қаҳрамонларининг характер жозибаси. – Тошкент, 1986. – 68 б.
3. Алишер Навоий, Алишер. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 томлик. 8- том.  
– Тошкент: Фан, 1991. – 392 б.
4. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Гафур Гулом, 1979. – 188 б.
5. Эргашев Қ. Ўзбек насрода иншо. – Тошкент: Мухаррир, 2011. – 108 б.
6. Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин” и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971. – 138 б.
7. Эркинов С. Шарқ адабиётида Фарҳод қиссаси. – Тошкент: Фан, 1985. 210 б.
8. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 272 б.
9. Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Тошкент: Гафур Гулом, 1979. – 160 б.

# **МУНДАРИЖА**

## **Иқтисод**

<b>З.Т.ГАЙБНАЗАРОВА.</b> Развитие отечественного автомобилестроения: настоящее и будущее-----	3
<b>А.А.АБДИРАШИДОВ.</b> Атроф-муҳитни асрарда пластик пакетларга истеъмолчилик талабини қисқартиришнинг иқтисодий дастаклари-----	16
<b>М.Ш.ХОЖИБОЕВ.</b> Фермер хўжаликларида асосий воситалар ҳолати ва улардан фойдаланиш таҳлилини такомиллаштириш-----	25
<b>Қ.О.ЎРИШЕВ.</b> Чет эл капитали иштирокидаги корхоналарида қўшилган капитал ҳисобини такомиллаштириш-----	33
<b>Б.Т.ЮЛДАШЕВ.</b> Тадбиркорлик субъектларида ички аудитни ташкил этиш ва такомиллаштириш муаммолари-----	45
<b>Н.Ш.БАТИРОВА.</b> Промышленность Ташкентской области и модель её развития в условиях формирования инновационной экономики-----	53
<b>А.Х.КОМИЛОВ.</b> Таъминотнинг логистик харажатлари ҳисобини ташкил қилишнинг назарий жиҳатлари-----	69
<b>Д.Н.ХУСАНОВ.</b> Мамлакат инвестицион фаоллик ривожланишининг илмий-назарий жиҳатлари: амалдаги ҳолати ва таҳлили-----	82
<b>З.М.ИСАҚОВА.</b> Сунъий интеллект ва бошқарув: лойиҳаларни самарали бошқаришга янгича ёндашув-----	96

## **Юридик**

<b>Н.П.АЗИЗОВ, З.Р.УМАРОВ.</b> Давлат мустақиллигининг тимсоли: тарих ва тараққиёт-----	105
<b>С.Д.ХОДЖАЕВ.</b> Германия ижтимоий ҳимоя тизими ва кексаларни қўллаб қувватлаш механизmlари-----	114
<b>И.Х.АТАМИРЗАЕВ.</b> Шахс хуқуқий ижтимоийлашувининг босқичлари, таснифи ва функциялари-----	124

## **Филология**

<b>И.И.СУЛАЙМОНОВ.</b> “Бобурнома”да Шайбонийхон тасвири-----	134
<b>Б.РАҲМОНОВ.</b> Ўзбек постфольклорининг бадиий ҳаваскорлар ижросидаги кўринишлари-----	145
<b>Б.РАҲМОНОВ.</b> Ўзбек халқ оғзаки ижоди анъанавий жанрларининг постфольклор шароитидаги ҳолатига умумий назар-----	154
<b>А.ДЕҲҚОНОВ.</b> Алишер Навоийнинг Хусрав Парвез образини тасвирлашдаги бадиий маҳорати-----	163
<b>А.Р.ДАВЛАТОВА.</b> Ижодкор фалсафий тафаккури ва бадиият уйғунлиги-----	173
<b>Н.Т.ЙЎЛДОШЕВ.</b> Чўлпон шеъриятида сарбаст-----	180
<b>Ф.ОЛИМОВ.</b> Навоий асарларида замондошлари тимсоли-----	190
<b>И.Х.ИСЛОМОВ.</b> Жаҳон корпусларида географик терминларнинг берилиши муаммосига доир-----	197
<b>Г.НАСРУЛЛАЕВА.</b> Антроморфемик метафоралар лугатини яратиш тамойиллари-----	207
<b>Г.ХУДОЁРОВА.</b> Абдулла Орипов ижодида ранг ва оҳанг синтезининг инсон образи воситасида ифодаланиши-----	213
<b>О.Н.АБДУЛҲАКИМОВА.</b> Абдулла Орипов ижодий тафаккури такомилида Аҳмад Яссавий ҳикматларининг ўрни-----	221